XALQ DEPUTATLARI BUXORO SHAHAR KENGASHINING QARORI

2022 - yil 16 - dekabr VI-82-175-2-42-K/22 Buxoro shahar hokimligi

Бухоро шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил 9 ойликдаги ижроси ҳамда бюджет параметрларига киритилган ўзгартиришлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 12, 27 ва 126-моддаларига асосан Бухоро шаҳар ҳокимлиги молия бўлими томонидан тақдим этилган шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил 9 ойликдаги ижроси, бюджет параметрларига 9 ойликда киритилган ўзгартиришлар ҳамда 2022 йил маҳаллий бюджетнинг даромадлар прогноз кўрсатгичларига киритилган ўзгартиришлар тўғрисидаги ҳисоботини муҳокама қилиб, Халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Бухоро шаҳар ҳокимлиги молия бўлими мудири вазифасини бажарувчи Ж.Аминовнинг Бухоро шаҳри маҳаллий бюджетининг 2022 йил 9 ойликдаги ижроси тўғрисидаги ахбороти, Бухоро шаҳар маҳаллий бюджет параметрларига 2022 йил 9 ойликда киритилган ўзгартиришлар тўғрисидаги ҳамда 2022 йил маҳаллий бюджетнинг даромадлар прогноз кўрсатгичларига киритилган ўзгартиришлар тўғрисидаги ахборотлари маълумот учун қабул қилинсин.

Таъкидлаб ўтилсинки, Бухоро шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил 9 ойликдаги даромадлари 114,8 млрд. сўмни ташкил этди.

Ўз навбатида, маҳаллий бюджетдан 239,4 млрд.сўм миқдорида харажатлар амалга оширилди, шундан 147,2 млрд.сўми ёки 61,5 фоизи ижтимоий харажатларга йўналтирилди.

Бундан ташқари, Республика бюджетидан мақсадли тадбирларга қўшимча ажратилган маблағлар, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар ҳамда вилоят маҳаллий бюджети параметрлари доирасида киритилган ўзгартиришлар ҳисобига белгиланган тадбирлар ўз вақтида молиялаштирилди.

2. Бухоро шаҳар ҳокимлиги молия бўлими мудири вазифасини бажарувчи Ж.Аминовнинг Бухоро шаҳар маҳаллий бюджет параметрларига 2022 йил 9 ойликда киритилган ўзгартиришлар тўғрисидаги ҳамда 2022 йил маҳаллий бюджетнинг даромадлар прагноз кўрсатгичларига киритилган ўзгартиришлар тўғрисидаги ҳисоботлари 1-2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси 2020 йил 25 декабрдаги “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-657-сонли Қонуни талаблари ҳамда Халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги VI-63-109-2-42-К/21-сонли қарори асосида белгиланган бюджет параметрларда “Ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида йўналтириладиган маблағлар” 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Бухоро шаҳар маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан йўналтириладиган маблағлар миқдори 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-146-сонли ҳамда “Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-147-сонли қарорларига асосан маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимларини рағбатлантириш учун ажратилган маблағлардан иқтисод қилинган 200,0 млн.сўм миқдоридаги маблағларни белгиланган тартибда мақбуллаштириш ва шаҳар маҳаллий бюджетининг захира жамғармасига ўтказиш таклифи маъқуллансин.

6. Бухоро шаҳар ҳокимлиги молия бўлими (Ж.Аминов), шаҳар Давлат солиқ инспекцияси (А.Абдуллаев)га:

шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда даромадлар прогноз режа кўрсаткичларини сўзсиз ижросини таъминлаш чораларини кўриш. Бунда, прогноз режани ҳар бир солиқ тури кесимида тўлиқ бажарилишини таъминлаш;

бюджет даромадлари базасини кенгайтириш ҳамда маҳаллий бюджетга қўшимча солиқ тушириш манбаларини аниқлаш ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш;

маҳаллий бюджет параметрларида кўзда тутилган харажатларни, хусусан биринчи даражали тўловларни ўз вақтида молиялаштирилишини таъминлаш;

йил давомида маблағ олувчиларнинг харажатлар сметаси ижросидан келиб чиқиб, паст самарали харажатларни ҳамда Давлат харидлари ахборот порталида амалга оширилган савдолар якуни билан иқтисод қилинган маблағларни белгиланган тартибда мақбуллаштириш ва кредитор қарздорликларни қоплашга йўналтириш;

шаҳар маҳаллий бюджети қўшимча манбаларнинг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга ҳамда 30 фоизини “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармаларига белгиланган тартибда ўтказиш;

“Обод маҳалла” дастурига киритилган тегишли объектларида белгиланган қурилиш-таъмирлаш ишларини ўз вақтида бажарилишини ва объектларини ўз муддатида фойдаланишга топширилишини назоратга олиш;

“Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талабларига қатъий риоя этиш;

Маҳаллий бюджетнинг 2022 йил 3-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан белгиланган тартибда йил бошига нисбатан ошган ортиқча тўланган солиқ суммаларни чегириб, йўналтирилишини таъминлаш;

бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши ҳамда бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш топширилсин.

7. Мазкур қарор ижросининг назорати халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (С.Бердиев) ҳамда шаҳар ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Х.Яхёев зиммаларига юклатилсин.

Сессия раиси **Ж.Матниязов**

Xalq deputatlari Buxoro shahar Kengashining
2022 yil 16 dekabrdagi
VI-82-175-2-42-K/22-son qaroriga
1-ilova

Бухоро шаҳар маҳаллий бюджети параметрларига 2022 йил 9 ойликда киритилган ўзгартиришлар тўғрисида маълумот

млн сўм

№	Ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчининг номи	2022 йил тасдиқланган режа	киритилган ўзгариш					2022 йил аниқланган режа	Киритилган ўзгариш фоизи				
			Ўзбекистон Республикаси бюджетидан ажратилган маблағ ҳисобидан *	Вилоят бюджетидан ажратилган маблағ ҳисобидан *(жами вилоят бўйича нольга тенг бўлади)* **	Вилоят бюджетидан киритилган ўзгариш ҳисобидан *(жами вилоят бюджети бўйича нольга тенг бўлади)* ***	Туман бюджетидан киритилган ўзгариш ҳисобидан *(жами туман ва шаҳар бюджети бўйича нольга тенг бўлади)* ****	Эркин қолдиқ ҳисобидан		Ўзбекистон Республикаси бюджетидан ажратилган маблағ ҳисобидан	Вилоят бюджетидан ажратилган маблағ ҳисобидан	Вилоят бюджетидан ажратилган маблағ ҳисобидан	Туман бюджетига киритилган ўзгариш ҳисобидан	Эркин қолдиқ ҳисобидан
2	**Бухоро шаҳар бюджети**	**216,727.1**	**38,457.3**	**4,944.6**	**0.0**	**0.0**	**17,539.9**	**277,669.0**	**18%**	**2%**	**0%**	**0%**	**8%**
1	Халқ таълими бошқармаси	**8,648.8**	**604.1**	**881.7**		11.9	110.0	10,256.6	7%	10%	0%	0%	1%
2	Мактабгача таълим бошқармаси	**16,104.2**	**3,515.5**	-229,6		0.0	536.0	19,926.0	22%	-1%	0%	0%	3%
3	Соғлиқни сақлаш бошқармаси	**67,498.6**	**14,514.0**	**-1890,5**		0.0	450.0	80,572.1	22%	-3%	0%	0%	1%
4	Маданият бошқармаси	**18,834.0**	**1,173.0**	**-789,2**		488.0	30.0	19,735.7	6%	-4%	0%	3%	0%
5	Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси	**0.0**	**413.4**	**432.0**		969.0	0.0	1,814.4	0	0	0%	0	0%
6	Туризмни ривожлантириш бошқармаси	**2,410.2**	**0.0**	**0.0**		-969,0	0.0	1,441.2	0%	0%	0%	-40%	0%

7	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси	**747.7**	**61.3**	**159.1**		0.0	0.0	968.1	8%	21%	0%	0%	0%
8	Бандлик ва меҳнат муносабатлари бош бошқармаси	**518.9**	**30.6**	**147.2**		365.2	0.0	1,061.9	6%	28%	0%	70%	0%
9	Молия бўлими	**1,038.2**	**374.5**	**7,627.2**		421.7	3,141.1	12,602.7	36%	735%	0%	41%	303%
10	Ҳокимият	**92,783.4**	**11,096.8**	-1224,9		-870,7	13,042.8	114,827.4	12%	-1%	0%	-1%	14%
11	Халқ қабулхонаси	**81.3**	**6.0**	-0,0		-1,4	0.0	85.9	7%	-0%	0%	-2%	0%
12	Халк депутатлари Кенгаши котибияти	**260.3**	**12.9**	-0,0		-54,2	0.0	219.0	5%	-0%	0%	-21%	0%
13	Ўзбекистон ёшлар иттифоқи	**0.0**	**4,201.0**	**99.0**		61.2	0.0	4,361.1	0	0	0%	0	0%
14	Ўзбекистон Хотинқизлар қўмитаси	**0.0**	**368.7**	**578.0**		1,328.1	0.0	2,274.8	0	0	0%	0	0%
15	Махалла ва оилани қўллабкувватлаш	**7,759.5**	**2,104.1**	-845,4		-1749,8	230.0	7,498.5	27%	-11%	0%	-23%	3%
16	Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги	**42.1**	-18,6	**0.0**		0.0	0.0	23.4	-44%	0%	0%	0%	0%

Xalq deputatlari Buxoro shahar Kengashining
2022 yil 16 dekabrdagi
VI-82-175-2-42-K/22-son qaroriga
2-ilova

Маҳаллий бюджет даромадлар режасига киритилган ўзгартиришлар

млн.сўмда

№	Шаҳар ва туманлар	2022 йил тасдикланган режа	шу жумладан:				2022 йил аниқ-ланган режа	шу жумладан:				Киритилган ўзгаришлар жами *	шу жумладан:		
			1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак		1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак		2-чорак	3-чорак	4-чорак
1	Бухоро шаҳри	126 853	30 784	32 320	32 689	31 060	140 275	30 612	37 306	35 317	37 039	13 422	4 987	2 628	5 979

Xalq deputatlari Buxoro shahar
Kengashining
2022 yil 16 dekabrdagi
VI-82-175-2-42-K/22-son
qaroriga
3-ilova

Маҳаллий бюджетларда ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш мақсадида йўналтирилган маблағлар миқдори

млн.сўмда

№	Тадбирлар номи	Ажратиладиган маблағлар миқдори	Маблағ ажратиладиган ташкилот номи	Ажратиладиган қўшимча маблағлар манбаси
1.	Отбозор МФЙ ҳоким ёрдамчисининг хатига асосан МФЙ олд ва кириш қисмига стелла ўрнатиш	26,0	Шаҳар ҳокимлиги	Йил бошиида бюджет параметрларида режалаштирилган Ҳоким ёрдамчиларининг таклифига асосан молиялаштириладиган маблағлар ҳисобидан
2	Бухоро шаҳар 3-сектор ҳудудига қарашли 5 та МФЙ ҳоким ёрдамчисининг хатига асосан ҳудудда велостаянкалар ташкил этиш	125,0	Шаҳар ҳокимлиги	Йил бошиида бюджет параметрларида режалаштирилган Ҳоким ёрдамчиларининг таклифига асосан молиялаштириладиган маблағлар ҳисобидан
3	Бухоро шаҳар 4-сектор ҳудудига қарашли "Гулчорбоғ" МФЙ ҳоким ёрдамчисининг хатига асосан ҳудудда "Бир маҳалла бир маҳсулот" тамойили асосида 200 метр темир ҳавоза (вайиш) тайёрлаш ва ўрнатиш	189,0	Шаҳар ҳокимлиги	Йил бошиида бюджет параметрларида режалаштирилган Ҳоким ёрдамчиларининг таклифига асосан молиялаштириладиган маблағлар ҳисобидан
4	Бухоро шаҳар 1-сектор ҳудудига қарашли "Намозгоҳ" МФЙ ҳоким ёрдамчисининг хатига асосан спорт майдони, болалар майдони, волейбол ва баскетбол майдони ҳамда бесеткалар қуриш ва ўрнатиш харажатлари	350,0	Шаҳар ҳокимлиги	Йил бошиида бюджет параметрларида режалаштирилган Ҳоким ёрдамчиларининг таклифига асосан молиялаштириладиган маблағлар ҳисобидан
5	Бухро шаҳар 4-сектор ҳудудига қарашли "Фурқат" МФЙ ҳоким ёрдамчисининг хатига асосан Файзобод масжид атрофини ободонлаштириш ишлари учун	219,0	Шаҳар ҳокимлиги	Йил бошиида бюджет параметрларида режалаштирилган Ҳоким ёрдамчиларининг таклифига асосан молиялаштириладиган маблағлар ҳисобидан
6	Бухро шаҳар 2-сектор ҳудудига қарашли "Туркм Жандий" МФЙ ҳоким ёрдамчисининг хатига асосан "Бобойи Порадўз" зиёратгоҳи атрофини ободонлаштириш ва маҳалла инфратузилмасини яхшилаш	101,0	Шаҳар ҳокимлиги	Йил бошиида бюджет параметрларида режалаштирилган Ҳоким ёрдамчиларининг таклифига асосан молиялаштириладиган маблағлар ҳисобидан

7	Бухро шаҳар 2-сектор ҳудудига қарашли "Туркм Жандий" МФЙ ҳоким ёрдамчисининг хатига асосан "Бобойи Порадўз" зиёратгоҳи атрофини ободонлаштириш ва маҳалла инфратузилмасини яхшилаш	170,0	Шаҳар ҳокимлиги	Йил бошиида бюджет параметрларида режалаштирилган Ҳоким ёрдамчиларининг таклифига асосан молиялаштириладиган маблағлар ҳисобидан
8	Бухро шаҳар 1-сектор ҳудудига қарашли "Ёшлик" МФЙ ҳоким ёрдамчисининг хатига асосан МФЙ ҳудудида жойлашган 31-сон мактаб атрофини ланшафт дизайн асосида тайёрлаш, фуқароларнинг дам олишлари учун бесеткалар ўрнатиш харажатлари	201,0	Шаҳар ҳокимлиги	Йил бошиида бюджет параметрларида режалаштирилган Ҳоким ёрдамчиларининг таклифига асосан молиялаштириладиган маблағлар ҳисобидан
9	Бухоро шаҳаар 2-сектор ҳудудига қарашли Алишер Навоий МФЙ ҳоким ёрдамчисининг хатига асосан "Чор Минор" тарихий меъморий обидаси атрофида ёмғир сувлари қочириш тизимларини алмаштириш ва таъмирлаш	164,0	Ободонлаштириш бошқармаси	Йил бошиида бюджет параметрларида режалаштирилган Ҳоким ёрдамчиларининг таклифига асосан молиялаштириладиган маблағлар ҳисобидан
10	Бухоро шаҳаар 2-сектор ҳудудига қарашли Мирзо Улуғбек МФЙ ҳамда Имом ал-Бухороий мфйлари ҳоким ёрдамчисининг хатига асосан ёғингарчилик мавсумидаги муаммларни олдини олиш мақсадида сув тортувчи насослар ўрнатиш харажатлари	62,0	Ободонлаштириш бошқармаси	Йил бошиида бюджет параметрларида режалаштирилган Ҳоким ёрдамчиларининг таклифига асосан молиялаштириладиган маблағлар ҳисобидан
11	Бухро шаҳар 1-сектор ҳудудига қарашли "Ёшлик" МФЙ ҳоким ёрдамчисининг хатига асосан МФЙ ҳудудида жойлашган 31-сон мактаб ҳудудида ишсиз айёлларни касбга ўқитиш маркази хонасини ташкил этиш ва таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар.	165,0	Халқ таълими бўлими	Йил бошиида бюджет параметрларида режалаштирилган Ҳоким ёрдамчиларининг таклифига асосан молиялаштириладиган маблағлар ҳисобидан
12	Бухоро шаҳаар 2-сектор ҳудудига қарашли Абдурауф Фитрат МФЙ ҳоким ёрдамчисининг хатига асосан ёғингарчилик мавсумида ёмғир сувларини тўпланиб қолишини олдини олиш мақсадида қудуқлар қариш харажатлари	70,0	Ободонлаштириш бошқармаси	Йил бошида бюджет параметрларида режалаштирилган ҳоким ёрдамчиларининг таклифига асосан молиялаштириладиган маблағлар ҳисобидан

Xalq deputatlari Buxoro shahar
Kengashining
2022 yil 16 dekabrdagi
VI-82-175-2-42-K/22-son
qaroriga
4-ilova

Бухоро шаҳар маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан йўналтириладиган маблағлар миқдори

млн.сўмда

№	Тадбирлар номи	Ажратиладиган маблағлар миқдори	Маблағ ажратиладиган ташкилот номи	Ажратиладиган қўшимча маблағлар манбаси
1.	Ички ишлар ходимлари куни муносабати билан байрам тадбирларини ўтказиш харажатлари	**99,8**	Шаҳар ҳокимлиги	2022 йил даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан
2.	“Яшил макон” умуммиллий дастури доирасида хўжалик жиҳозлари харид қилиш харажатлари	**28,5**	Ободонлаштириш бошқармаси	Ажратилган фармойишлардан иқтисод қилинган маблағлар ҳисобидан
3.	Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан байрам тадбирларини ўтказиш харажатлари	**91,7**	Шаҳар ҳокимлиги	2022 йил даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан
4.	Бухоро шаҳрида янги йил байрами тадбирлари ўтказиш билан боғлиқ харажатлар	**300,0**	Шаҳар ҳокимлиги, шаҳар ободонлаштириш бошқармаси	2022 йил даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан
5.	Бухоро шаҳрида янги йил байрами совғалари билан боғлиқ харажатлар	**55,9**	Шаҳар ҳокимлиги	2022 йил даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан
6.	Давлат бошқаруви тизими соҳасида замонавий ахборот технологиялари ва коммуникатциялари, электрон ҳукумат тизимини тадбиқ этиш харажатлари	**78,0**	Шаҳар ҳокимлиги	2022 йил даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан
7	Бухоро шаҳридаги кўп қаватли уй-жойларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш билан боғлиқ харажатлари	**150,0**	Ободонлаштириш бошқармаси	2022 йил даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан
8	Бухоро шаҳридаги ижтимоий иқтисодий муаммоларни зудлик билан бартараф этиш мақсадида ижтимоий инфратузилма объектларида бажарилиши лозим бўлган қурилиш таъмирлаш харажатлари	**450,0**	Халқ таълими бўлими ҳамда мактабгача таълим бўлими	Қўшимча манбаалар ҳисобидан
	ЖАМИ	**1253,9**		